

5-МАВЗУ. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ БАҲОЛАШ.

1. Меҳнат ресурслардан фойдаланишни баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.
 2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни баҳолаш.
 3. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг меҳнат ресурслари, улардан самарали фойдаланиш
 4. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва улар динамикасини баҳолаш.
- Қўлланиладиган педогогик технологиялар:** Маъруза, «ақлий хужум», намойиш этиш.

1. Меҳнат ресурслардан фойдаланишни баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.

Меҳнат ресурслари – мамлакат аҳолисининг турли мулк шаклидаги корхоналарда ишлаш учун жисмоний ва маънавий қобилиятларини, умумтаълим ва хунар билимларини ўзида жамлаган, қисми; мамлакат иқтисодий потенциалининг энг муҳим элементиدير.

Республикамизда кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот, шу жумладан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми юқори суръат-лар билан ўсиб бормоқда. Буни бевосита турли ўзгаришлар билан боғлаш мумкин. Масалан, турли мулк шакллари ва мазмунининг ўзгариши, бошқарув тизимидаги ўзгаришлар, эркин иқтисодий фаолиятнинг чекланмаганлиги, ташқи иқтисодий фаолиятга кенг йўл очилиши ва ҳоказо.

Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, меҳнатга қобилиятли ёшлар-нинг сони айниқса тез ўсиб бормоқда. Шу боис ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир. Ушбу соҳа мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, мил-лионлаб одамлар учун даромад манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги самарадорлигини таъминлаш учун давлатни бандлик сиёсатининг қуйидаги йўналишларини кучайтириш мақсадга мувофиқ:

- оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлан-тиришни жадаллаштиришни таъминлаш;
- мазкур мақсадларда микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш;
- йирик саноат корхоналари ва нисбатан кичикроқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари билан касаначиликни кенгайтириш асосидаги кооперацияни ривожлантириш имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жой-ларида қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бандлик соҳалари-ни кенгайтириш масалаларини ҳал этишга эътиборни кучайтириш;
- ишсизларни касбий ўқитиш ва жамоат ишлари тизимларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган хизматлар ишини фаоллаштириш.

Республикамиз аҳолисининг талайгина қисмини ёшлар ташкил этади. Ёш мутахассис ва кадрларни тайёрлаш, уларга замонавий билимлар бериш, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга катта эътибор қаратилмоқда.

Меҳнат ресурсларининг комплекс иқтисодий таҳлили орқали корхонанинг ходимлар билан таъминланиши ва улардан фойдаланиши, уларнинг таркиби, тузилиши, касбий маҳорати, ходимлар малакасини ошириш, иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларига баҳо берилади. Меҳнат ресурслари улардан фойдаланишни таҳлил этишдан мақсад меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари ҳисобига маҳсулот ҳажмини ўсишини, иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш ва бошқа омиллар эвазига маҳсулот таннархини пасайтиришдан иборат. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш таҳлилининг асосий вазифалари:

– корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланиши, унинг таркиби, структураси, касбий маҳоратини таҳлил этиш;

– иш вақтидан тўлиқ фойдаланиш, иш вақтини йўқотиш сабабларини аниқлаш;

– ходимлар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўзгариш сабабларини объектив баҳолаш;

– меҳнат унумдорлик кўрсаткичларини маҳсулот ҳажмига бўлган таъсирини ҳисоблаш;

– меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

Меҳнат ресурсларини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг ахборот манбалари: Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида-ги 1-Т “Меҳнат ҳисоботи” шакли, иш вақтидан фойдаланиш, иш вақти баланси тўғрисидаги ҳисобот, ишга келиш-кетиш тўғрисидаги табель, иш куни фотографияси, ишлаб чиқариш нормасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотнома ва бошқа манбалар.

2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни баҳолаш

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг таннархи ва молиявий натижалари корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ходимлар сони ўзгармаган ёки қисқарган ҳолда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига эришиш лозим.

Корхонанинг барча бўғинларида меҳнат қиладиган ходимлар икки гуруҳга бўлинади:

1) ишлаб чиқариш ходимлари;

2) ноишлаб чиқариш ходимлари.

Ишлаб чиқариш ходимлари, яъни асосий ишлаб чиқариш ходимлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш ва саноат характеридаги ишларни бажариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва корхонани бошқаришдаги ходимлар киради.

Ноишлаб чиқариш ходимлари қаторига транспорт, уй-жой коммунал хўжалиги, маданий-маърифий соҳалардаги ходимлар киради.

Ишчи кучи таҳлили корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланишини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун жами ишлаб чиқариш ходимлари, шу жумладан, айрим категориядаги ходимларнинг ҳақиқий сони бизнес режадагиси билан таққосланиб, ходимларнинг ортиқча ёки етишмаслиги аниқланади.

Ишчилар сони ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликка эга. Маҳсулот ҳажми нафақат меҳнат унумдорлик даражасига, балки ишчилар сонининг режага нисбатан ортиқча ёки етишмаслигига ҳам боғлиқ.

Аммо ишчилар сони янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш, автоматлаштириш ҳисобига қисқариши мумкин. Таҳлил этиш давомида ишлаб чиқариш ходимлари таркибидаги структуравий ўзгаришларнинг сабаблари аниқланади. Структурани ўтган йил, ҳисобот йилининг режасидан фарқланиши ишлаб чиқариш ҳажми, унинг ассортименти, тармоқ хусусияти ва ихтисослашувига боғлиқ.

Ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини баҳолагандан кейин бунга таъсир қилган асосий омиллар ўрганилади.

Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулоти миқдorigа таъсир қилувчи омиллар учта гуруҳга бўлинган:

1. Меҳнат омиллари (қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишчи кучи билан таъминланганлиги, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги).

2. Меҳнат воситалари омиллари таҳлили (асосий омилларнинг таркиби, тузилиши, асосий фондларнинг техник ҳолати, асосий фондлардан фойдаланиш самараси).

3. Меҳнат предметлари омиллари таҳлили (ер фондининг тузилиши ва ундан фойдаланиш самарадорлиги, фойдаланилаётган ер-сувнинг самарадорлиги).

Санаб ўтилган омилларнинг ҳар бири мустақил қийматга эга бўлган ҳолда бошқалари билан узвий боғланган. Бунда кўрсатилган омилларнинг таъсирини механик равишда кўшиш мумкин эмас. Сабаби, меҳнат унумдорлиги ортиши ходимларнинг таркибига, малакасига, иш вақтидан фойдаланишига боғлиқ (меҳнат омиллари). Кейин, меҳнат унумдорлиги асосий фондлар (меҳнат воситалари омиллари) техник ҳолатига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига, шунингдек ер фонди ва ер-судан самарали фойдаланишга боғлиқ. Ер фондидан самарасиз фойдаланиш шак-шубҳасиз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади.

Аввало омилларнинг ҳар бир гуруҳи бошқалардан фарқли равишда ўрганилади, кейин омиллар учта гуруҳининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотининг ишлаб чиқарилишини ошириш захиралари тўғрисида умумий хулосалар қилинади.

Ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг муваффақиятли бажарилиши тенг шароитларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг меҳнат ресурслари мавжудлиги ва қўлланилишига бевосита боғлиқдир.

Меҳнат омиллари таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмига қуйидагилар таъсир кўрсатади:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишчи кучи билан таъминланганлиги (ишчилар ва бошқа синфдаги ходимлар билан).

2. Битта ишлаётганга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги.

Санаб ўтилган омиллардан ҳар бирининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмига таъсири тарихдан ўзгариб келган. Техниканинг етарлича ривожланмаган пайтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ишлаб чиқарилишини оширишга асосан экстенсив омил ҳисобига, яъни қўшимча ишчи кучи ва экин майдонларини ошириш йўли билан эришилган. Ҳозирги пайтда жадал техник тараққиёт

шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришининг ўсишига меҳнат унумдорлиги ўсиши сабаб бўлмоқда.

Меҳнат омиллари таҳлилининг усуллари саноат корхонасиникига кўп жиҳатдан яқинлашиб кетади. Бу ерда саноатдаги каби аввало ширкат хўжалигининг ишчи кучи билан таъминланганлиги, ишчитаркиб тузилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳақиқатдаги ҳажми аниқланади, меҳнат унумдорлиги бўйича бизнес-режанинг бажарилиши баҳоланади, ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига меҳнат омиллари таъсири умумлаштирилади.

Мисол учун хўжалигининг меҳнат унумдорлигининг таҳлили усулларини келтирамиз (3- жадвал).

3-жадвал

Хўжалигининг меҳнат унумдорлиги бўйича бизнес-режасининг бажарилиши таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бирл.	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқ	
					Мутлақ	%да
1.	Умумий маҳсулот	минг сўм	65500	70350	+4850	+7,4
2.	Ишчиларнинг ўртача рўйхат сони	одам	47	50	+3	6,3
3.	Битта ишлаётганга тўғри келадиган ўртача йиллик иш маҳсули, 1-қатор:2-қатор	минг	1393,6	1407	+13,4	+0,96

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, хўжалигининг ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобот йилида бизнес-режага қараганда 4850 минг сўмга ки 7,4 %га ортган. Бу ўсишга иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхат сонини ўзгартириш: қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг $+3 \times 1393,6 = +4180,8$ минг сўмга ёки 86,2:га $[4180,8 \times 100: 4850]$ ўсиши экстенсив омил ҳисобига, яъни қўшимча ишчи кучи жалб қилиш йўли билан олинган.

2. Меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариши: қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг $+13,4 \times 50 = +670$ минг сўмга ёки 13,8%га $[670 \times 100: 4850]$ ўсиши интенсив омил ҳисобига, яъни битта ишлаётганга тўғри келадиган ўртача иш маҳсулини ошириш натижасида олинган.

Омиллар мувозанати: $(4180,8) + (+670) = +4850,8$ минг сўм. Бу сумма ялпи маҳсулот бўйича умумий фарқ суммасига тўғри келади. 0,8 минг сўм фарқ $(4850,8 - 4850)$ маълумотлар яхлитланиши сабабидан келиб чиққан. Фоиз нисбатида омиллар мувозанати қуйидагича: $[86,2 + 13,8] = 100 \%$. Шундай қилиб, ялпи маҳсулотнинг бор-йўғи 13,8 фоизи меҳнат

унумдорлигининг ортиши туфайли олинган бўлиб, бу таҳлил қилинаётган объект фаолиятида ниҳоятда салбий натижа ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг меҳнат омилларини таҳлил қилишда меҳнат унумдорлигининг умумий баҳоланишида қандайдир ўзига хослик мавжуд. Бу ерда меҳнат унумдорлиги маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқарилишига кетган ишчи вақти миқдори билан, вақт бирлигида ишлаб чиқарилган алоҳида маҳсулот турлари билан ўлчанади (одам-кун, одам-соат). Мисол учун, 1 центнер пахтанинг, сутнинг, гўштнинг ва ҳ.нинг ишлаб чиқарилишига қанча одам-кун сарф қилинган. Одам-кунда ҳисобланувчи 1 центнер маҳсулотга меҳнат харажатлари унумдорлиги нафақат режа билан, балки ўтган йил ҳисоботи билан ҳам, шунингдек бошқа ширкат хўжаликлари кўрсаткичлари билан ҳам солиштирилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида саноатдагидан фарқли ўлароқ меҳнат харажатлари қийматининг ўзгариши режада кўзда тутилиши мумкин бўлмаган аниқ таҳлил қилинаётган даврда юзага келган иқлим шароитлари билан аниқланади. Шунинг учун кейинги таҳлил натижалари иқлим шароитлари ўзгариши туфайли меҳнат харажатларида қандай ўзгаришлар содир бўлганини ва турли ишлар ҳажмининг оширилиб юборилиши, бажарилган ишлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ноаниқ ҳисоби, меҳнатни ташкил қилиш камчиликлари натижасида қанчалик даражада ортикча меҳнат харажатлари ва материаллар сарф қилинганлигини аниқлаш лозим. Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун меҳнат ресурсларининг асосий манбаи бу ушбу хўжалик худудида жойлашган аҳоли пунктларининг ишга лаёқатли шахслари, шунингдек ўсмирлар ҳисобланади. Шунинг учун саноат корхоналаридан фарқли ўлароқ қишлоқ хўжалиги корхоналарида алоҳида тармоқлар ва ишлаб чиқариш худудлари ўртасида ишчи кучининг мавжудлигини ва қўлланилиши тавсифини, ишлаб чиқаришда ишга лаёқатли аҳолининг иштирок этиш даражасини аниқлаш лозим.

3. Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг меҳнат ресурслари, улардан самарали фойдаланиш

Фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ривожланиши омилларидан бири уларда меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш масалаларига бориб тақалади. Меҳнат ресурслари деб, 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар ва 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар тушунилади. Айрим иш тиғиз бўлган ва мавсумий даврларда ўсмирлар ва қариялар меҳнатидан ҳам фойдаланишга тўғри келади.

Фермер ва деҳқон хўжалиklarида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш жараёнида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари бозорининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим:

- қишлоқ хўжалигидаги меҳнат ресурсларига бўлган талаб ва ишнинг қўл меҳнати сифими камайиб бориши қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларининг бўшашига ва ортикча ишчи кучининг ҳосил бўлишига сабаб

бўлади. Натижада бўшаб қолган ишчи кучларини бошқа тармоқларга жалб этиш зарурияти туғилади;

- қишлоқ хўжалигида мавжуд меҳнат ресурсларидан йил мобайнида бир текис фойдаланиб бўлмайди. қишлоқ хўжалигининг мавсумий характерга эгаллиги сабабли иш тиғизлиги баъзан ортиб, баъзан пасаяди. бу ҳолат ишчи кучига бўлган талабни белгилайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. экинларни парваришlash ёки ҳосилнинг йиғим-терим палласида меҳнат ресурсларига бўлган талаб ошади, қиш ойларида ишчи кучига талаб минималлашади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўсимликлар ва чорва моллари каби жонли организмларга боғлиқ бўлиб, табиий-биологик омиллар меҳнат ресурсларидан фойдаланишга ўз таъсирини ўтказади;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида саноат тармоқлари каби тор ихтисослашувнинг мавжуд эмаслиги ишчи кучининг бир даврда бир нечта вазифаларни бажаришга мажбур этади ва маҳсулот етиштириш устидан бевосита назорат юритиш имконини бермайди;

- қишлоқ хўжалигидаги айрим меҳнат жараёнларида (суғориш, ҳосилни йиғиш) ханузгача қўл кучи устунликка эга, ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашганлик ва автоматлашганлик даражаси нисбатан паст даражада қолмоқда.

Фермер ва деҳқон хўжаликларининг меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражасига меҳнатга лаёқатли бир нафар эркак ва аёлнинг бир йиллик иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Бир йиллик иш вақти фонди эса эркаклар учун 260 киши/кунига, аёллар учун 210-220 киши/кунига тенг деб қабул қилинган.

Ҳар бир хўжаликнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжи унинг ихтисослашувига, тармоқ таркибига, маҳсулот етиштириш жараёнларининг механизациялашганлик даражасига ва меҳнат сарфига боғлиқ. Масалан, 1 гектарда пахта етиштириш учун бевосита меҳнат сарфи умумий ҳисобда 840-990 киши/соатни, дон етиштириш учун суғориладиган ерларда 102-140, лалми ерларда 34-50 киши/соатни, сабзаёт етиштириш учун эса 1517-1929 киши/соатни ташкил этади¹. Шундан келиб чиққан ҳолда бир гектар пахта етиштиришга ўрта ҳисобда 0,5, суғориладиган дон экинларида 0,1, сабзаёт экинларида 2,0 киши меҳнат қилиши етарлидир. Меҳнат ресурсларига бўлган талабни аниқлашда ана шу кўрсаткичлар ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Статистик маълумотларга қараганда 1997-2008 йиллар оралиғида иқтисодиётда жами банд бўлганларга нисбатан фермер хўжаликларида бандлар салмоғи 2,2 фоиздан 12,5 фоизга ўсиб борган. Агар 1997 йили фермер хўжаликларида жами 188 минг киши меҳнат қилган бўлса, 2008 йил бошига келиб бу кўрсаткич 1343 минг кишига етган, ёки 7,14 мартага ошган

¹ “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга талаб этиладиган меҳнат ва моддий ресурслари меъёрлари”, Т.:”Ўзинформагропром”, 1996, 4-5 б-р.

Бу ҳолатни ширкат хўжаликларининг тугатилиши ва фермер хўжаликлари сонининг кескин ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Деҳқон хўжаликларида банд бўлганлар сони 1997 йилда 1297 минг кишидан 2007 йилда 1473 минг кишига ёки 113,6 фоизга ошган бўлишига карамай, уларнинг иқтисодиётда жами банд бўлганларга нисбатан салмоғи шу йиллар оралиғида 14,9 фоиздан 13,7 фоизга камайган.

Фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади. Фермер хўжалигидаги иш тартиби хўжалик бошлиғи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнат фаолияти ҳисобини олиб бориш хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади.

Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра пул ҳамда натура тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи ва ходимлари давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилади. Уларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

4. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва улар динамикасини боҳолаш

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан биридир, уни ошириш иқтисодий ўсишнинг асосий омилдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг таннархи, ходимлар сони, иш ҳақи фонди кўп жиҳатдан меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни куйидаги кўрсаткичлар ифодалайди:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати;
- маҳсулот ҳажмининг ортишида меҳнат унумдорлиги ўсишининг ҳиссаси;
- ходимлар сонининг нисбий қисқариши;
- иш ҳақи фондидан нисбий иқтисод;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатининг ўртача иш ҳақи ўсишига нисбати.

Меҳнат унумдорлигининг ўлчов бирликлари:

– қиймат, натура ва меҳнат

а) қиймат шакли $M_y = \frac{Q}{x}$,

Бунда M_y – меҳнат унумдорлиги (бир ходимга тўғри келадиган ўртача маҳсулот);

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот солиштирма улгуржи баҳода;

X – ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони.

б) натура $M_y = \frac{Q_{\text{тонна, кг, м, ...}}}{x}$,

в) меҳнат $M_y = \frac{T}{Q}$,

T – маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт (киши-кун, киши-соат);

Q – маҳсулот миқдори (дона, кг, ва х.к.)

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг қиймат шакли камчиликлардан холи эмас. Масалан, сарфланган хом ашё, ёқилғи, энергия нархлари ва тарифлари, маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришлар унумдорлик даражасига таъсир этади.

Натура шакли меҳнат унумдорлигини аниқ ифодалайди. Аммо бу ўлчов бирлиги бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарда қўлланилиши мумкин (кўмир қазиб, электр энергия, нефтни қайта ишлаш корхоналари).

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари:

– бир ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот;

– бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулот;

– ишчининг бир кунлик иш унуми;

– ишчининг бир соатлик иш унуми.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини комплекс таҳлил этиш учун кўрсаткичлар ўтган йил, ҳисобот йилининг режаси, бир хил ихтисосга эга бўлган корхона маълумотлари билан таққосланиб, ишга солинмаган ички имкониятлар аниқланади.

Назорат саволлари

1. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиши миқдор ва сифат жиҳатдан қандай таҳлил этилади?

2. Меҳнат ресурсларини комплекс иқтисодий таҳлил этишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

3. Кадрлар қўнимсизлигини таҳлил этишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

4. Иш вақти фондига қандай омиллар таъсир этади?

5. Иш вақти йўқотилишини қисқартириш ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш резервлари қандай аниқланади?

6. Меҳнат унумдорлигининг умумий, якка ва ёрдамчи кўрсаткичларига изоҳ беринг.

7. Бир ходимга ва бир ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш услубини изоҳланг.

8. Меҳнат унумдорлигини ошириш резервларига нималар киради?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бочаров В.Р. Инвестиции: Учебник для вузов. – 2-е изд.-СПб.: Питер, 2008. – 384 с. Ил.- (Серия “Учебник для вузов”).
2. Жўраев А.С. ва бошқалар. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 2003.-246 б.
3. Ишмухамедов А.Э, Қосимов. М.С, Жумаев. З.А, Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти.-Т.: ТДИУ. 2004. - 159 с.